

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ
ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИ
ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция
материаллари тўплами*

Тошкент - 2022

ЭРОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Сиёсий технологиялар сиёсий жараёнларни бошқаришнинг энг оммабоп замонавий усулларида бири бўлиб, технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга фаол татбиқ этиш сиёсий технологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Мақолада сиёсий технологияларнинг Эрон ва бутун дунё ташқи сиёсат жараёнига таъсири масаласи кўриб чиқилади. Хусусан, расмий Техрон томонидан амалга оширилаётган ташқи сиёсати дунё ҳамжамиятида ижобий имижга эришиш мақсадини кўзлаб, “юмшоқ куч” технологиясидан асосий ташқи сиёсий технологиялардан бири сифатида фойдаланаётгани зикр этилади. Бу борада Эрон рақамли ва оммавий дипломатия воситалари бўлган ижтимоий тармоқлар (Twitter, Facebook, Instagram, YouTube) кўламини янада ривожлантирган ҳолда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракати кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: Эрон, ташқи сиёсат, технологиялар, “юмшоқ куч”, оммавий дипломатия, рақамли дипломатия, ижтимоий тармоқлар

Annotation. Political technology is one of the most popular modern methods of managing political processes, and the development and active application of technology in practice serves the formation of political technology culture. The article examines the impact of political technology on the foreign policy process in Iran and around the world. In particular, it is noted that the foreign policy conducted by official Tehran uses the technology of "soft power" as one of the main foreign policy technologies in order to achieve a positive image in the international community. In this regard, Iran's efforts to expand its sphere of influence through the further development of the sphere of social networks (Twitter, Facebook, Instagram, YouTube), which are the tools of digital and public diplomacy, will be demonstrated.

Keywords: Iran, foreign policy, technology, soft power, public diplomacy,

digital diplomacy, social media.

Халқаро муносабатлар динамикаси, жумладан, халқаро муносабатларда янги трансмиллий акторларнинг иштироки, алоқанинг муқобил шакллари ва трансмиллий сиёсатнинг янги шакллари излаш ташқи сиёсат воситаси сифатида дипломатияга катта таъсир кўрсатмоқда. Дипломатия ва дипломатик тузилмалар янги шаклдаги муаммоларга дуч келмоқда, шу билан бирга, улар долзарблигини сақлаб қолиши учун янги шароитларга мослашиб бориши керак. Бунда «юмшоқ куч» концепцияси мавжуд вазиятни ўз манфаатига мос шаклда ўзгартириш учун фойдаланишнинг сиёсий технологияси сифатида яратилган. Ушбу технологиянинг амалий жиҳати нафақат олимларни, балки сиёсатчиларни ҳам ўзига жалб қилади. Ҳозирги вақтда «юмшоқ куч» технологиясининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- «юмшоқ куч» ўзига жалб этувчи куч сифатида;
- «юмшоқ куч» ижтимоий- маданий таъсир сифатида;
- «юмшоқ куч» психологик-мафкуравий таъсир сифатида.

Ушбу сифатлар алоҳида ёки биргаликда, шунингдек, бир-бири билан турли хил комбинацияларда учраши мумкин. «Юмшоқ куч»ни пассив жозибадорлик билан боғлаш мавжуд шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва кўзланган жозибадорликка эришиш учун керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу чоралар узоқ муддатли ёки қисқа муддатли бўлиши мумкин. Жалб этиш кўпинча мамлакатдаги объектив ҳаёт шароитлари билан боғлиқ. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, сиёсий ислохотларни амалга ошириш, фан ва маданият соҳаларини ривожлантириш учун кўп йиллик изчилик сиёсат амалга ошириш талаб этилади. Шунингдек, ҳеч бир давлат обрў-эътиборга бир кунда эришмайди, балки ташқи сиёсатини изчиллик билан амалга ошириши бунга олиб келади. Ушбу фаолиятнинг томони реал ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлардан иборат бўлса, иккинчи томони жаҳон ҳамжамиятига эришилган муваффақиятларни кенг етказиш ва шу орқали мамлакатнинг ташқи аудитория учун жозибадорлигини шакллантириш ташкил қилади. Шу сабабли

ушбу ҳолатда имижни шакллантириш ва брендни яратишда қўлланиладиган барча усул ва технологиялар фойдалидир. Ушбу тушунчанинг аҳамияти шундаки, «юмшоқ куч» нинг моддий асоси эътибордан четда қолмайди, бу кўпинча коммуникатив ва имиж технологияларига нисбатан муҳим рол ўйнайди.

Иккинчи ёндашувда алоҳида давлат, минтақа ёки бутун инсоният олдида турган ҳозирги муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи “юмшоқ куч”нинг инсонпарварлик салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, “юмшоқ куч” “ижтимоий ҳаёт”нинг муҳим ҳодисаси деб бўлиб, у биринчи ўринга зўравонликни эмас, балки инсоннинг маънавий камолотини, цивилизацияларнинг ҳаёт мазмунини ўзгартиришга имкон берадиган ижтимоий технологияларни қўллаш, таълим ва маданиятни ривожлантиришни қўйиш орқали исталган натижаларга эришиш” қобилиятини назарда тутди²⁷⁸.

Мазкур ёндашувда «юмшоқ куч» кўпинча ижтимоий технологиялар (маданий, маърифий, сиёсий, мафкуравий) қоришмаси, сиёсий акторлар ва ижтимоий гуруҳлар консенсуси билан белгиланади. Бундай консенсус туфайли халқаро ҳамда ички сиёсий муаммоларни ҳал қилиш мумкин. “Юмшоқ куч” асосидаги умумий қадриятлар глобал исиш, қашшоқлик, очлик, эпидемияларга қарши кураш ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

“Юмшоқ куч”нинг бирлаштирувчи хусусияти ички сиёсий мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга. «Юмшоқ куч» умумий тамойиллар ва нормаларни шакллантиришга, миллий ёки миллий-давлат ўзлигини қуришга, ижтимоий келишувга, жамоат ва алоҳида шаклдаги индивидуал, корпоратив, этник, минтақавий манфаатларнинг уйғунлигига асосланган ижтимоий келишувларга, сиёсий ҳаётда миллий манфаатларни белгилаш ва илгари суришга” ёрдам беради²⁷⁹.

«Юмшоқ куч» нинг психологик-мафкуравий таъсир қилиш усули алоҳида

²⁷⁸ Староверова Е.В. Современные технологии власти // дисс. ... канд. Филос. наук: 24.00.01. Казань, 2012.

²⁷⁹ Капицын В.М. Семиотический аспект soft power: политическая культура и символическая политика // Soft power, мягкая сила, мягкая власть. Междисциплинарный анализ: колл. монография. М.: ФЛИНТА: Наука. – 2015. – С. 146. ¹⁵⁰ Nye J. The Future of power. N.Y.: Public Affairs, 2010. P. 83

эътиборни ўзига жалб этмоқда. «Юмшоқ куч»ни психологик-мафкуравий таъсир усули сифатида англаш тасаввурни ўзгартиришнинг нозик усулларида жуда кўпол усулларига, ҳатто ташвиқотга қадар турланади. Сиёсий технологларнинг фикрича, «юмшоқ куч» ташвиқот билан боғлиқ бўлмаслиги керак, бу ахлоқ нормаларидан келиб чиқиб эмас, балки прагматик сабабларга кўра. Таъкидланишича, «юмшоқ куч» ишончга таянади, ҳукуматлар манипуляция технологиялари ва ташвиқотни қўллаганда, ишонч йўқотилади²⁸⁰, шу сабабли давлатни манипуляция қилишда гумонланмаслигининг олдини олиш муҳим аҳамиятга молик. Бугунги кунда ташвиқотни тез пайқаш мумкин ва бу ҳолат жамоатчилик томонидан салбий қабул қилинади.

Таъкидланишича, “юмшоқ куч” маълум образлар, истаклар, афзалликлар шаклланиши туфайли шахслар томонидан воқеликни идрок этилишини ўзгартиришга қодир. «Юмшоқ куч» ҳокимият тузилмалари учун фойдали бўлган глобал ахборот соҳасига қирадиган сиёсий масалаларнинг талқинини шакллантириш орқали жамият аъзоларининг истакларини яъни хатти-ҳаракатларини ўзгартириш қобилиятига асосланади²⁸¹. Юқорида зикр этилганларни ўрганиш асосида тадқиқотчилар «юмшоқ куч» стратегияси бевосита мажбурлаш ва бўйсундиришга эмас, балки реципиентларни муайян бир фаолият мазмунига жалб қилишга асосланади, деган хулосага келадилар²⁸².

Россиялик олим Э.П.Панова глобал ахборот муҳитида янги ва анъанавий оммавий ахборот воситаларининг халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг долзарб муаммолари талқинини шакллантиришга таъсир этиш имкониятларини ўрганар экан, “юмшоқ куч” сиёсий масалалар талқинини шакллантириш жараёнига алоҳида давлат, давлатлар гуруҳи ёки бошқа акторлар манфаатларини глобал ахборот майдонида акс эттирадиган тарзда кўрсатиш воситаси сифатида

²⁸⁰ Nye J. The Future of power. N.Y.: Public Affairs, 2010. P. 83

²⁸¹ Северская О.И. «Мягкий позитив» и «жесткий негатив» как инструменты информационного воздействия // Soft power, мягкая сила, мягкая власть. Междисциплинарный анализ: колл. монография. М.: ФЛИНТА: Наука. – 2015. – С. 166.

²⁸² Кожемякин Е.А. «Мягкая власть» институциональных дискурсов: коммуникативное измерение // Дискурс-Пи. – 2014. – № 1 (14). – С. 102.

баҳолайди²⁸³.

«Юмшоқ куч» кўпинча жамият ва фуқароларнинг ихтиёрий бўйсинувини таъминлаш технологияси сифатида ахборот-психологик урушлар ва мафкуравий кўпоровчилик каби «қаттик» стратегиялар билан боғланади. Ушбу тушунча доирасида «юмшоқ куч»ни шакллантирувчи миллий ғоя, миллий-маданий кадриятлар ҳамда фан ва спорт ютуқлари мамлакатнинг мафкуравий қудрати элементлари деб баҳоланади. Рақобатчи давлатлар муайян жамиятнинг мафкуравий маконига кириб боришга ва унинг миллий-маънавий кадриятларига салбий таъсир кўрсатишга интилади. Бу ҳолат ахборот-мафкуравий агрессия сифатида баҳоланади²⁸⁴.

«Юмшоқ куч» орқали бошқа давлатлар жамияти онгига икки босқичда таъсир кўрсатиш мумкин:

- 1) хулқ-атвор, кийиниш, овқатланиш билан ифодаланувчи ташқи таъсир;
- 2) онг ва стереотипларга таъсир кўрсатадиган, уларни трансформация қиладиган чуқур таъсир.

Ташқи таъсирнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у осон ўзлаштирилади, лекин янги менталитет ва маданиятни шакллантирмайди, шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартирмайди ва ташқи сиёсат йўналишига таъсир қилмайди. Шундай қилиб, форс мусиқасини тинглаш, эронча кийиниш ва бир вақтда ўз миллати, маданиятига содиқ қолиш мумкин. «Юмшоқ куч» таъсирида дунёқараш, онг ва фикрлаш ўзгаради. Бундай таъсир кўрсатишни муайян бир давлатга нисбатан мақсадли йўналтириш жамиятда аста-секин «бешинчи колонна» шаклланишига (масалан, Тожикистон) олиб келади. Чуқур таъсир ўтказишга эришиш осон бўлмаса-да, «юмшоқ куч»ни татбиқ этишга қаратилган замонавий воситалар айнан шунга йўналтирилган²⁸⁵.

²⁸³ Панова Е.П. «Мягкая власть» как способ воздействия в мировой политике: дисс. ... канд. полит. наук: 23.00.04. М., 2012.

²⁸⁴ Комлева Н.А. Идеологическая граница как предел идеологического пространства: сущность, специфика и технологии защиты // Пространство и время. – 2010. – № 1. – С. 26.

²⁸⁵ Леонова О.Г. «Мягкая сила»: инструменты и коэффициенты влияния // Обозреватель. – 2014. – №

Тадқиқотчилар «юмшоқ куч»ни психологик-мафкуравий таъсирини англаш учун тарғибот ва ташвиқот ишлари орқали ишлаб чиқилган онгга таъсир қилишнинг барча услубларини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайдилар. Онгни ўзгартириш учун таълим технологиялари, илмий тадқиқотлар, маданий тадбирлар, тарғибот ва ташвиқотдан фойдаланилади.

Ғарб давлатлари «юмшоқ куч»ни ташқи сиёсатни амалга оширишнинг янги стратегияси сифатида баҳолаб, фуқаролик жамияти институтларини, нодавлат-нотижорат ташкилотларини, сиёсий элиталарни шакллантиришда, ахборот технологияларидан фойдаланишда, шунингдек, сиёсий ҳокимиятларни алмаштиришда унинг ресурсларидан кенг фойдаланади. Шу боис баъзи эронлик олимлар уни мамлакат учун таҳдид сифатида баҳолаб, хорижий давлатларнинг «юмшоқ куч» технологиясига қарши маҳаллий ресурсларни сафарбар қилишга чақирадилар. Шу билан бирга ушбу технологиядан Эроннинг стратегик мақсадларини амалга оширишда фойдаланишни таклиф қиладилар.

Ўрганилаётган масала юзасидан юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларда сиёсий мақсадлар, йўналтирилган аудитория, асосий ижрочилар, ҳаракатлар муддати ва кўлами белгиланганида, шунингдек, узоқ муддатли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганда «юмшоқ куч» стратегик технология вазифасини бажариши мумкин:

- 1) ўзининг жозибадорлигини ошириш;
- 2) қоидалар ўрнатишга кўмаклашиш, халқаро ташкилотларда лидерлик қилиш, сиёсий масалаларни талқин қилишга таъсир қилиш, коалицияларни ташкил этиш, халқаро кўлаб-қувватлашга эришиш;
- 3) муносабатларни ўрнатиш, маданий дипломатия, таълим дастурлари, чет элда яшовчи ватандошлар билан ишлаш каби «юмшоқ куч» элементларини ривожлантириш ва мақсадларга эришиш учун шароит яратиш;
- 4) реципиентларга икки йўл билан таъсир ўтказиш: а) турли шаклларда ёрдам кўрсатиш (инсонпарварлик, тиббий, технологик ёрдам,

грантлар ва имтиёзли кредитлар); б) ғояларни тарқатиш ва имтиёзларни шакллантириш.

Бундай шароитларда рақамли дипломатия (digital diplomacy) дипломатиянинг янги усули сифатида сиёсий манфаатларни илгари суришнинг самарали йўли ҳисобланади. Рақамли дипломатия дипломатик мақсадларга эришиш ёки қўллаб-қувватлаш учун кибермакондан кенг фойдаланишни ўз ичига олган дипломатиянинг янги воситаси сифатида пайдо бўлмоқда. Рақамли дипломатия “юмшоқ куч” призмаси орқали ўрганилганда этикоди, қадриятлари ва ғоялари билан бошқаларни ишонтириш ва жалб қилиш орқали жаҳон сиёсатида кун тартибиди белгилаш қобилиятини англатади. Шу нуқтаи назардан, ахборот технологиялари ХХІ асрда дипломатлар ва умуман дипломатик фаолиятга катта таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири деб баҳоланади.

Ўз навбатида, Эрон рақамли дипломатия воситаларини фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, турли веб-сайтлар яратмоқди, Twitter, Facebook каби ижтимоий тармоқларда ҳукуматга тааллуқли akkaунтларини очмоқди, маҳаллий ва хорижий блогерларнинг фаолиятини мониторинг қилмоқда. Эрон рақамли дипломатияси бу хорижий тиллардаги маълумотларни ижтимоий тармоқларга кенг қўламда тарқатиш орқали ўз сиёсий позициясини илгари суриш усулидир.

Эрон рақамли дипломатияси янги ахборот технологияларининг ривожланиши ва инновацияларга мослашишга қаратилган. Рақамли дипломатиянинг пайдо бўлиши ва ижтимоий тармоқларнинг оммалашуви халқаро информацион майдондаги фаолиятни ўзгартирмоқда ва ташқи сиёсат бўйича мутахассисларни янги устуворликларни ишлаб чиқишга ҳамда дипломатик жараёни либераллаштиришга ундамоқда. Анъанавий дипломатия услублари ҳанузгача устувор аҳамиятга эга бўлсада, охириги ўн йил ичида рақамли дипломатия мақсадларга эришишнинг инновацион услуби сифатида намоён бўлмоқда.

Анъанавий оммавий дипломатия ва маданий дипломатияни маданият, таълим, ахборот, спорт ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳалари кўринишида ривожлантираётган давлатлар ушбу дипломатия мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиши, икки томонлама алоқалар алмашинувини ривожлантиришига ишонадилар²⁸⁶. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида фаолият юритувчи Эрон маданият марказлари давлат ташқи сиёсатининг асосий акторларидир²⁸⁷. Анъанавий оммавий дипломатияда маданиятнинг таркибий қисми сиёсий ташвиқотдан устунлик қилади, бугунги кунда у рақамли дипломатия номи билан машғур бўлган бошқа турдаги дипломатия ёрдамида намоён бўла бошлаган.

Рақамли дипломатия халқ дипломатиясининг бир қисмидир, чунки у хорижий жамоатчилик фикрига таъсир қилиш учун мўлжалланган. Бирок, анъанавий алмашинув дастурлари ёки маданий марказларнинг тадбирлари ўрнига рақамли дипломатия сиёсий характердаги маълумотларни интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатади²⁸⁸. Эрон рақамли дипломатиясининг ўзига хос хусусияти бундай маълумотларни инглиз ва араб тилларида эфирга узатилишидир. Таъкидлаш керакки, инглиз ва араб тиллари жаҳон тиллари сифатида глобал аудиторияни «забт этиш» учун энг самарали воситадир. Тақдим этилаётган маълумотлар мазмуни, кўлами ва сиёсий мақсадлари бир-биридан фарқ қилади. Президент М.Хотамий президентлик даврида ҳам Эрон Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатга оид интернетда пайдо бўлаётган салбий маълумотларга тезкорлик билан муносабат билдирадиган ва хорижий блогосферани мониторинг қилиш билан шуғулланувчи махсус бўлимлар ташкил этилган.

²⁸⁶ Фокин В. И. Формирование содержания понятий «внешняя культурная политика» и «культурная дипломатия» в международной деятельности современных государств // Вестн. С.-Петербург. ун-та. Сер. 6: Философия, политология, социология, психология, право, международные отношения. 2003. № 2.

²⁸⁷ Боголюбова Н. М., Николаева Ю. В. Роль зарубежных культурных центров в развитии современного межкультурного сотрудничества // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики, 2012. № 6–2.

²⁸⁸ Цветкова Н. А. Программы Web 2.0. в публичной дипломатии США // США и Канада: Экономика, Политика, Культура. 2011. № 3.

Эрон оммавий дипломатияси жаҳон майдонида етакчилардан бирига айланиб бормоқда. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, у форс тили ва маданий меросини Ғарб кадриятларига қарши курашиш воситаси сифатида тарғиб қилиш концепциясига асосланади. Эрон ҳукумати рақамли дипломатиясининг асосий мақсадлари глобал микёсда эронофобияга қарши курашиш, шунингдек, минтақада лидер давлат сифатидаги имижини шакллантиришдан иборат. Эрон Олий раҳбар А.Хаменеий сўзларига кўра Ғарб давлатлари билан мафкуравий уруш ҳолатида эканлиги бир неча бор таъкидланган. 2011 йилда Эроннинг ташқи маданий сиёсатига бағишланган нутқларидан бирида у “Империалистик фронтнинг маданий ҳужуми кўлами дунёнинг барча давлатларини камраб олади ва Эрон Ислом Республикаси бу ҳужумдаги энг муҳим нишондир, чунки ислом тузуми дунёдаги ҳукмрон кучларнинг ҳужумига қарши туради ҳамда қаршилиқ кўрсатишга қодирдир” деб айтган эди²⁸⁹.

Охириги йиллар дунё микёсида ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти ошиб бораётганини кўриш мумкин. Эрон бугунги кунда рақамли дипломатиядан фойдаланишнинг муҳимлигини яхши англаган. Эрон раҳбарлари ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланадилар. Twitter, Facebook сиёсат ваиллари томонидан нафақат ўз ҳамфикрлари ва тарафдорлари билан мулоқот қилиш, балки оммавий баёнот платформаси сифатида ҳам намоён бўляпти. Эрон рақамли дипломатияси фаолиятининг самараси деб ижтимоий тармоқларда кўп обуначиларга эга бўлган Эрон олий раҳбари А.Хаменеий, президент И.Раисий, Ташқи ишлар вазири А.Х.Абдуллахиённинг ижтимоий тармоқларда кўрсатаётган фаоллигини келтириш мумкин. Эрон собиқ президенти Ҳ.Рухоний эса ижтимоий тармоқлардаги баёнотлари учун тез-тез танқид олинган.

Ҳозирда Twitterдаги обуначиларга эга бўлишга интилаётган Эрон сиёсий етакчилари ижтимоий медиадан реклама мақсадларида ҳам фойдаланмоқда. Асосийси, ижтимоий тармоқлардан стратегик, хусусан, Эрон раҳбари томонидан белгиланган сиёсатни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ташқи ишлар

²⁸⁹ Эрон Олий Раҳбари расмий сайти. URL: <http://www.leader.ir/>.

вазирлигининг музокаралар олиб бориш, маълумотлар тўплаш ва хориждаги фукараларга консуллик ёрдами кўрсатиш каби асосий вазифалар учун қўллаш мумкин.

Узоқ йиллик низодан сўнг, 2013 йили АҚШ президенти Барак Обама ва Эрон президенти Ҳасан Рухоний ўртасидаги телефон қўнғироғи Эрон-АҚШ муносабатларида яқинлашиш эҳтимолини оширишга қаратилган биринчи оммавий кадам бўлди.

2013-2015 йилларда Эрон ва АҚШ Twitterдан мазкур мамлакатларнинг ижобий томонларини ва Ҳамкорликдаги умумий ҳаракатлар режасини имзолаган ҳар бир давлатнинг келишувга риоя этишини намоён қилиш мақсадида фойдаланди. Эрон собиқ ташқи ишлар вазири Жавад Зариф ва АҚШ давлат котиби Жон Керри каби расмийлар ўртасидаги твитлар икки давлат вакиллари ўртасидаги ишончнинг кичик, аммо изчиллашувининг асосий кўрсаткичи бўлди ҳамда ушбу келишув имзоланишига ҳисса қўшди²⁹⁰.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Эрон ижтимоий тармоқлар имкониятларини яхши ўзлаштириб, уни анъанавий маданий дипломатияга йўналтирилган оммавий дипломатиясига самарали интеграция қилди. Охириги йилларда Эрон ижтимоий тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини юқори даражада қўллаштини намоёниш этди. Эрон дипломатик миссияларининг 2019 йилдан бошлаб хорижий жамоатчиликка индивидуал рақамли дипломатияни жорий этиш бўйича фаол саъй-ҳаракатлари туфайли хорижий аудитория (Хитой, Ҳиндистон, Сурия, Ливан, Ироқ, Уммон) эътиборини қозонди, бу эса Эрон Ташқи ишлар вазирлиги рақамли дипломатиясининг муваффақиятидан далолат беради.

Эрон Ташқи ишлар вазирлиги Техроннинг стратегик мақсадларини амалга оширишда “юмшоқ куч” технологияларидан фойдаланиш ғоясини фаол илгари сурмоқда. Ҳарб давлатлари “юмшоқ куч”ни ташқи сиёсатни амалга оширишнинг

²⁹⁰ Constance Duncombe. (2017), «Twitter and Transformative Diplomacy: Social Media and Iran-US Relations», *International Affairs*, vol. 93, no. 3, P. 545–562.

янги стратегияси сифатида баҳолаб, унинг ресурсларидан кенг фойдаланади. Баъзи эронлик олимлар уни мамлакат учун таҳдид сифатида баҳолаб, хорижий давлатларнинг “юмшоқ куч” технологиясига қарши маҳаллий ресурсларни сафарбар қилишга чақирадилар.

МУНДАРИЖА

Рихсиева Г. Ш. Ўзбек шарқшунослиги – янги марралар сари.....	3
Хайдаров Абдусамат Ахатович - Центральноазиатский вектор индийской дипломатии на современном этапе.....	5
Нуриддинов Э.З., Косимходжаев И.Э. - Узбекско-китайские отношения на современном этапе с многовековым багажом взаимопонимания и сотрудничества	14
А. Ходжаев - К Этимологии топонима «Давань» в китайских источниках.....	21
Ҳасанов А.А - Муस्ताқиллик арафаси ва унинг дастлабки даврларида Ўзбекистондаги диний вазият таҳлили.....	31
Арипова Зухра Джахангировна - XIII-XV асрларда Мисрдаги ҳарбий мактаблардаги таълим	36
Sayfullayev D. B. – O‘zgaruvchan global kontekstda Yaqin Sharq mintaqasi: so‘nggi yuz yillikning eng muhim hodisalar.....	43
Ш.С. Камолиддин - Из истории китайско-арабских дипломатических связей в эпоху Тан	52
Nirmala J. - Impact of Afghanistan on Central Asian security	66
Yuldasheva G.I. - Economic Diplomacy of the Islamic Republic of Iran under sanctions before the pandemic boom	71
А.Х. Худайбердиев - Саудовско-йеменские отношения в XX- начале XXI вв.....	91
Икромов Ш. - Марказий Осиёдаги геосиёсат араб давлатларидаги илмий ва эксперт доиралар талқинида	98
Абдуллаев У.О. - Яқин Шарқдаги янги сиёсий ўзгаришлар. «мудофаа иттифоқи» нинг парчаланиши.....	109
Qodirov Z. M. - Nizomiya madrasalarining tashkil topish sabablari	133
Петросова О.Н. - Исторический анализ взаимоотношений Турции и Сирии: начало XX- XXI вв.....	141
Тайлаков Т. А. – Араб бахори воқеаларининг “Ал-Жазира” телеканалида ёритилиши	158
Sulaymonov J.B. - Abu Zayd Abdurahmon ibn Xalidning ma’naviy merosi haqida ba’zi mulohazalar	165
Ҳабибова М., Саидазизова Ф. - Умар Хайёмнинг “Наврўзнома асари” қадимги эрон маданиятига оид манбаа сифатида	172
Хайдарова Д.Х. - Интересы Индии в Центральной Азии.....	178
Нурсаидова М. - Франциядаги қаршилик кўрсатиш	

ҳаракатида ўзбекистонликлар жасорати	190
Рахмонов А. А. - Марказий Осиё халқлари ҳаётида	
Абу Юсуфнинг “Китоб ул-хароҷ” асарининг аҳамияти	195
Бекмуратов С. Т. - Жамол ал-Қарший Ўш шаҳри ҳақида	202
Низомиддинхужаев О. - Развитие гражданского общества в республике Узбекистан: состояние и перспективы	210
Fayzullayev A. N. - Afg'oniston va Turkiya hamkorlik aloqalarining zamonaviy bosqichdagi holati	226
Xudoyberdiyev I. - 2001-2014 yillarda Pokiston-Afg'oniston munosabatlari.....	237
Рискулов Ш.Н. - Амир Дўст Муҳаммаднинг Афғонистонда олиб борган ислохотлари	254
Сайфуллаев Б. Д. - Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро дипломатик муносабатларнинг янги тенденциялари	260
Sulaymonova Sh. N. - Ibn Miskavayhning “Tahzib ul-axloq va tathir ul-a'roq” asarida axloqiy masalalar muhokamasi.....	266
Тайлаков Т. А – Араб баҳори воқеалари сабаблари.....	274
Маматқулов С. Х – Ҳозирги босқичда Покистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари.....	277
Khodiyeva N. - Boburiylarning Hindiston ravnaqiga qo'shgan hissi.....	284
Маматқулов С. Х – Покистоннинг араб-мусулмон дунёсидаги ташқи сиёсатининг асосий жиҳатлари.....	290
Ходжимуратова Д. - Эрон ташқи сиёсатида янги технологияларнинг ўрни.....	297